Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

ÖZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 11 июнь, шанба № 101 (21.705). Сотувда эркин нархда

## ИНСОННИНГ НИШОНИ—ИЙМОН

10 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу йилги муқаддас ҳаж сафари иштирокчилари — республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Абдуғани Абдуллаев ва Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси ҳайъатининг раиси муфтий Мухторхон Абдуллаевни қабул қилди.

Ислом Каримов, аввало, ҳожиларни муқаддас ҳаж амалларини муваффақиятли адо этиб қайтганлари билан муборакбод этди. Президент мустақилликдан сўнг мамлакатимиз фуқароларига диний амалларни эмин-эркин адо этишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинганини таъкидлаб шундай деди:

— Республикамизда тинчлик-осойишталикнинг барқарор бўлишида дин аҳлларининг ҳиссаси бениҳоя катта. Одамларни инсофу иймонга чақириш, уларни ўринсиз ва қалтис ишлардан қайтариш, ҳозирги даврнинг айрим қийинчиликларига сабр-бардошли бўлишга даъват этиш — дин арбобларининг мустақиллик давридаги шарафли ишига айланиши лозим. Буюк аждодларимиздан бизга бой диний-фалсафий илмлар мерос қолган. Уларни буюк давлат қуришга хизмат қилдиришимиз ва шу тарика одамларимизда ўтмишимизга, она заминга, миллий анъаналарга муҳаббат уйғотишимиз зарур. Яширишнинг ҳожати йўқ, мустақиллигимизга ёмон кўз билан қаровчилар ҳам бор. Шу боис, биз одамлар онгига истиқлол ғояларини теран сингдиришимиз, жаҳонда унга тенг келарли неъмат йўқ эканига ишонтиришимиз лозим.

Суҳбат иштирокчилари бу йилги муқаддас ҳаж сафаридан ўзбекистонлик барча зиёратчилар бениҳоя мамнун эканини изҳор этиб, ҳожиларга етарлича маблағ ва махсус самолётлар ажратиб берилгани учун Президентга миннатдорлик билдирдилар. Мамлакатимизда истиқлол шарофати билан нафақат диний эътиқод эркинлиги, балки, уни бажо этиш учун шароитлар ҳам яратилгани таъкидланди.

— Яхши эслайман,— деди Ислом Каримов суҳбатни давом эттириб,— Коммунистик партия ҳукмронлиги даврида одамлар ҳатто азага боришга ҳайиқиб қолган эди. Аёллар унча-мунча йиғилишда рўмол ўраб ўтиролмасди. Истиқлолнинг буюк шарофати шу бўлдики, энди барча ўз эътиқодига амал қилиб яшаяпти, инсофу иймонга қўл беряпти. Аммо, афсуски, бу имкониятларнинг қадрига етмаётганлар, эски тузум яхши эди, деб юрганлар ҳам бор. Мен яқинда бўлган Олий Кенгаш сессиясида яна ортга — СССР даврига қайтсак, динимиздан, иймонимиздан ажралиб қолмаймизми, келажагимиз — фарзандларимизнинг тақдири нима бўлади, деган гапларни айтган эдим. Яна бир марта айтаман: биз истиқлол берган имкониятларни қадрлашимиз, уларни ёлғон ғояларга бой бериб қўймаслигимиз керак!

Суҳбатда бугунги маънавий янгиланиш, миллий қадриятларни тиклаш жараёнида дин аҳлларининг ўрни ва вазифаси ҳақида ҳам гап борди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Сўнгги вақтда гўё сўм-купонни муомаладан чиқаришга тайёргарлик кўрилаётгани ва яқин кунларда 5000 ва 10000 сўмлик пуллар бекор қилиниши ҳақида миш-мишлар тарқалмоқда.

Шу муносабат билан Марказий банк маълум қиладики, бундай миш-мишлар бутунлай асоссиздир.

Республика ҳукумати ва Марказий банки миллий валютани жорий этишга доир барча чора-тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини олдиндан хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини жорий этиш тадбирлари уюшқоқлик билан, шошилмай амалга оширилади. Миллий валютага ўтиш аҳоли манфаатларига путур етказмаслиги учун барча шарт-шароит яратилган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АҲОЛИГА АВТОМОБИЛЬ ЁНИЛҒИСИНИ НАҚД ПУЛГА СОТУВЧИ АЙРИМ АВТОМОБИЛЬ ЁНИЛҒИСИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИНИ ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳридаги аҳолига нақд пулга автомобиль ёнилғиси сотадиган ишлаб турган 5 та, лойиҳалаштирилаётган ва қурилаётган 4 та автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини 1994 йил мобайнида тажриба тариқасида хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда сотиладиган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг рўйхатини ва уларни сотиш шартларини белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан хорижий жисмоний ва юридик шахсларга пул маблағлари манбалари тўғрисида декларация талаб қилмасдан кимошди савдолари ва танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишни амалга оширсинлар. Хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг ер участкалари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ узоқ муддатли ижарага берилсин.

4. Автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини сотишдан тушган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган кимошди савдоси ва танловлар орқали сотилган давлат мулки қийматини тўлаш, бундай савдодан тушган маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги вақтинчалик низомга мувофиқ, сотилган нархнинг бутун суммасини тўлаш учун бир ой муддат белгиланган ҳолда, тақсимлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларида уларнинг эгалари томонидан бевосита шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан келтириладиган ёки товар-хомашё биржаларида харид қилинган нефть маҳсулотлари сотилади.

6. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг 1995 йилдан бошлаб хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари эгаларига нефть маҳсулотлари бериши тақиқлансин.

7. Хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг эгаларига Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан белгиланган тартибда харид қилинадиган нефть маҳсулотларини муомала чиқимларини ва рентабелликнинг 30 фоиз миқдоридаги чекланган даражасини ҳисобга олган ҳолда харид нархлари бўйича сотишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари даромадларига солиқ солиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Хусусийлаштирилган хусусий автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг ишлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси билан биргаликда бир ой муддатда нефть маҳсулотларини товар-хомашё биржасига савдога қўйиш ва сотиш тартибини ишлаб чиқсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, янги автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари қурилиши фақат «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмасининг рухсатига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

12. Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Ҳабибуллаев), «Ўздавстандарт» маркази (Асриянц) хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари эгалари томонидан нефть маҳсулотларини сотиб олиш, қабул қилиш, сақлаш, сотиш ва ҳисобга олиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, сотиладиган нефть маҳсулотлари сифати қоидаларига ҳамда хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари тўғрисидаги низомга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни амалга оширсинлар.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Қ. Ж. Ҳақнўлов ва В. А. Чжен зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 9 июнь.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 23 апрелдаги фармонининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази кенг омма билан ҳамкорликда ишловчи, давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланиш билан бир қаторда хўжалик ҳисобида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази тизимининг тузилиши ва Марказ Кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимларини молиявий таъминлаш ва улар томонидан барча хилдаги тарбиявий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳаражатлари тегишлича маҳаллий бюджетлар ва хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланиши қайд қилинсин.

2. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази девони ва унинг қўйи бўлимларининг тузилиши ва штатлари жадвали (техник ходимлар бундан мустасно) тасдиқлансин.

Марказга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган раҳбар бошчилик қилиши белгилаб қўйилсин. Марказ раҳбарига Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган иккита, жумладан битта жамоатчилик асосида ишлайдиган ўринбосарларга эга бўлишга рухсат берилсин.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ходимлари моддий-маиший, тиббий таъминот жиҳатидан республика вазирликларининг тегишли тоифадаги ходимларига тенглаштирилсин.

3. Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборатлиги эътиборга олинсин:

— социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

— жамиятдаги соғлом кучлар — юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;

— миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт илдизлари муштараклигини тарғиб қилиш;

— маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилларни, миллий давлатчилик қадриятларини ўрганиш ва тарғиб қилиш;

— жаҳоний, умумбашарий бойликларга эга бўлиш мақсадида мамлакатдаги ва дунёдаги хилма-хил маф-кура, эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқарашни ҳамда сиёсий маданиятни шакллантиришда иштирок этиш;

— жамоат бирлашмалари, илмий, ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига кўмаклашиш;

— маънавий-маърифий масалаларга доир маруза-лар, анжуманлар, суҳбатлар ўтказиш.

4. Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси II навбатдан ташқари қурултойининг мазкур уюшмани тугатилган деб ҳисоблаш, уюшма ҳамда унинг таркибидаги ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар ихтиёридаги пул маблағлари, кўчмас мулкларни Марказ ихтиёрига бериш ва Марказни уюшма мол-мулкининг қонуний вориси деб эълон қилиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

5. Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов):

1994 йилнинг июнь ойидан бошлаб Марказни ҳамда «Тафаккур» журнали таҳририятини уларнинг асосий фаолияти учун зарур бўлган маблағ билан таъминласин ва ҳар йили бюджетни шакллантиришда тегишли маблағ ажратилишини назарда тутсин;

Марказ жойлашган Отатурк кўчасидаги 24-бинони таъмирлаш харажатларини тақдим қилинган ҳақиқий ҳисоб-китоблар асосида қопласин;

Марказга ва унинг журнали таҳририятига хизмат кўрсатиш учун 3 та енгил автомобиль сақлашга лимит ажратсин.

6. Моддий-техника таъминоти масалаларини зудлик билан ҳал қилиш ҳамда Марказ ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг нормал фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида;

Марказ ҳузурида ўзбек халқи маданий мероси намуналарини тўплаш, илмий таҳлил қилиш ва оммалаштириш билан шуғулланадиган хўжалик ҳисобида ишловчи видео-фотостудия тузилсин. Тўпланган видеоаудио, фото материаллар асосида маданий мерос фонди ташкил этилсин;

Фан ва техника давлат қўмитасй 1995 йилдан бошлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг социологик тадқиқотлар тематикасини танлов орқали маблағ билан таъминланувчи ишлар рўйхатига киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Фанлар академияси ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва олимларнинг Марказ ўтказадиган маънавий-маърифий тадбирларда кенг иштирок этишини таъминласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддат ичида Марказнинг жойлардаги бўлимларига белгиланган тартибда амалдаги нормаларга мувофиқ хизмат хоналари, мебель, жиҳозлар ажратсинлар, телефонлар ўрнатиб берсинлар;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Фозилбеков) Тошкент шаҳри, Отатурк кўчасидаги 24-бинони бир ҳафталик муддатда Марказга тўла бўшатиб бериб, шунингдек, уни икки ой муддат ичида таъмирлашни таъминласин;

«Шарқ» концерни Марказнинг бир йилда тўрт марта чиқадиган «Тафаккур» журналини ўз вақтида чоп этиш ва ноширлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ барча ишларни бажарсин;

Маданият ишлари вазирлиги Марказ ҳузурида шаҳар кутубхонасининг бўлимини ташкил этсин;

Давлат матбуот қўмитаси республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини нашр нусхалари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритсин. Ҳар йили Марказ ходимлари тайёрлаган илмий-тадқиқот ишлари, тавсияномаларни нашр этишни нашриётларнинг режасига киритиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси белгиланган кўрсатувлар ва эшиттиришлар соатлари доирасида Марказ учун алоҳида эфир вақти ажратишни назарда тутсин;

«Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ажратилган лимитга мувофиқ марказга автотранспорт хизмати кўрсатсин;

Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда Марказ ва «Тафаккур» журнали учун хизмат телефонлари, шу жумладан, ҳукумат АТСидан телефон ва бошқа алоқа воситалари ўрнатиб берсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### Э. ЮСУПОВ, Х. ДАВРОНОВ, А. ЖАЛОЛОВНИ РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

— Эркин Юсупов республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбари этиб;

— Хуршид Давронов республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари этиб;

— Абдулҳафиз Жалолов республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг (жамоатчилик асосида) ўринбосари этиб тасдиқлансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВЛАТ УЮШМАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада енгил саноат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги самарали хизматлари ҳамда жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг бир гуруҳ ходимларига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фахрий унвонлари берилсин:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони**

**Исмоилов** Ўктам Қўчқорович — Енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон Давлат уюшмаси бошқарувининг раиси, Тошкент шаҳри

**Саномянц** Павел Иванович — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикув дастгоҳларининг чилангари, Тошкент шаҳри

**Ганиев** Холмурод — Самарқанд тери заводининг терини юмшатиш бўлими мутахассиси

**Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи**

**Абдуллаев** Тоҳир Абдиримович — Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчилик цехи устасининг ёрдамчиси, Хоразм вилояти

**Боймирзаев** Маҳмуд — Наманган пойабзал ишлаб чиқариш «Камолот» ҳиссадорлик жамияти ишчиси

**Деҳқонов** Баҳодир Ҳамидуллаевич — Андижон ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси йигирув-тўқув фабрикаси цехининг бошлиги

(Давоми иккинчи бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## «ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚИЙМАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги ПФ-789-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган «Тошкент» республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қийматли қоғозлар билан битишувлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Тошкент» республика фонд биржасининг улар томонидан «ВАҚТ» Ўзбекистон ахборот компанияси» акционерлик жамияти базасида очиқ турдаги «Миллий депозитарий» акционерлик жамиятини таъсис этиш, унинг эммисия қийматли қоғозларни рўйхатга олиш, сақлаш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш вазифасини юклаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

(Давоми иккинчи бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### А. Н. ВОЗНЕНКОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Анатолий Николаевич Возненко бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 10 июнь

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Н. Р. ЮСУПБЕКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Нодирбек Рустамбекович Юсупбеков бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 10 июнь.

## ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВЛАТ УЮШМАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

**Мирзаабдуллаев** Мирзасултон — Енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят қўмитасининг раиси

**Мирсаидова** Муқаддам Болиабоевна — Қўқон шоҳи-атлас тўқиш фабрикасининг раҳбари, Фарғона вилояти

**Норбўтаева** Роза Алишевна — Гулистон шаҳар «Лола» ҳиссадорлар жамиятининг тикувчиси, Сирдарё вилояти

**Поповский** Аркадий Ушерович — енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон Давлат уюшмаси ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг бошлиғи

**Пўлатова** Мойра Ҳожиқурбоновна — Бухоро шаҳар «Нигора» тикувчилик фабрикасининг тикувчиси

**Саломова** Муборак Самеевна — Самарқанд шаҳар «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг ишчиси

**Сапарбоева** Ойпошша Реимбоевна — Манғит ип йигирув-тўқув фабрикасининг ишчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тошпўлатов** Абдуваҳоб Абдурахмонович — «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Тошкент шаҳри

**Тошпўлатова** Мавжуда Самарқанд чинни заводининг пардозловчиси

**Усмонов** Бурҳон — У. Тўрақулов номли трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари, Жиззах вилояти

**Хуррамов** Абдулло Мамадиевич — Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси 1-цехи устасининг ёрдамчиси, Қашқадарё вилояти

**Ғафурхўжаева** Ҳодисахон — Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 7 июнь.

# ТАЙЁР МАҲСУЛОТ СОТИШ АФЗАЛЛИГИ

**Мамлакат халқ хўжалигида енгил саноат муҳим тармоқ соҳаларидан бири ҳисобланади. Президентимиз И. А. Каримовнинг тармоққа катта эътибор бериши туфайли кейинги уч йил ичида енгил саноат кескин ривожланди. Айниқса, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми анча ўсди, пойабзал, чиннисозлик тармоқларида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди, ип-газлама ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда хом ашё муаммолари муваффақиятли ҳал этилди. Айни пайтда тармоқни замонавий техника ва технология жиҳозлари билан таъминлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди.**

**Хўш, бунга қандай қилиб эришилди? Тармоқда иқтисодий ислоҳотлар қай йўсинда бормоқда? Мухбиримизга Ўзбекистон Республикаси Енгил саноат уюшмаси бошқаруви раиси У. ИСМОИЛОВ қуйидагиларни гапириб берди.**

— Республикадаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволнинг барқарорлиги, корхона ва ташкилотларга мустақил равишда фаолият кўрсатишлари учун кенг имкониятлар очиб берилганлиги туфайли собиқ Иттифоқдаги таъминотчилар билан хўжалик алоқаларнинг узилишига қарамай уюшма корхоналарида янгичасига ишлаш, халқ истеъмол моллари тайёрлашни кўпайтириш бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

Енгил саноат ходимларининг шижоати куни кеча Президентимиз томонидан юксак тақдирланди. Тармоқнинг бир гуруҳ ходимларига Фахрий унвон ва Ёрлиқлар берилди. Бугунги кунда биз мустақилликнинг қадрини янада чуқурроқ ҳис қиляпмиз. Чунки, илгари барча иқтисодий ва техник масалалар собиқ Иттифоқ органлари томонидан ҳал қилинар, бу эса тармоқда барқарор ишлашнинг имконини бермасди. Агар, илгари марказдан республикамизга техникавий қайта жиҳозлар жуда кам миқдорда ажратилган бўлса, мустақилликка эришганимиздан кейин бу соҳадаги барча масалалар ўзимизда эркин ҳал қилинадиган бўлди. Ҳозир корхоналарни замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш учун ҳар йили 30 миллион АҚШ доллари ва 100 миллиард сўм-купон ажратилмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва дунё бозори учун рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имконини бермоқда.

Очиғини айтганда, уюшмага қарашли тармоқ корхоналарининг МДҲдаги ҳамкорлари билан алоқалари деярли суст ривожланган бўлса-да, ички имконият ва резервлар ҳисобига жорий йилда ҳам барқарор фаолият кўрсатиб келинмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. Шу йилнинг январь — май ойларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 105 фоизни ташкил этди. Газлама, гилам, трикотаж ва бошқа харидорбоп буюмлар ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. Айниқса, Тошкент, Бухоро, Андижон ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмалари, Фарғона тўқимачилик ва Хива гилам комбинатлари жамоалари барқарор фаолият кўрсатиб, сифати жиҳатидан МДҲ давлатларида ишлаб чиқарилаётганидан қолишмайдиган даражада маҳсулотлар тайёрлашмоқда. Тошкентдаги «Қизил тонг», «Юлдуз», «Паризод» тикув ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўрзу» чарм-атторлик бирлашмаси ва бошқа корхоналар харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани ва айни пайтда ўз корхоналарини янги технология билан таъминлаш ва қайта жиҳозлаш ишларини ҳам жадал олиб боришаётгани диққатга сазовордир.

Тармоқда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилиняпти. Биз республиканинг келажаги — экспорт имкониятларини ривожлантиришдан иборат деб ҳисоблаймиз. Айни пайтда шуни ҳам чуқур англаяпмизки, эндиликда четга

**• ИСЛОҲОТ КУРТАКЛАРИ**

бу қадар кўп пахта сотиш республикамизда тўқимачилик ва енгил саноат ривожи кўзланган даражага етгунча давом этиши мумкин. Демак, хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантириш зарур бўлади. Тармоқда бу борада тилга олса арзигулик ишлар қилинаяпти. Ҳозирга келиб АҚШнинг «Ай-Ти-Ай» фирмаси билан ҳамкорликда Тошкент ва Андижонда қўшма корхона ташкил этилди. Туркиянинг «И. Тако» фирмаси билан эса маҳаллий хом ашёдан чарм пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси, Италиянинг «Гарден» фирмаси ҳамда Германиянинг «Саламандер» фирмалари билан биргаликда ҳам қўшма корхоналар барпо этиш масалалари ижобий ҳал қилинди. Бунда республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Европа ва Осиё мамлакатларига қилган расмий амалий ташрифлари муҳим роль ўйнади. Айнан шу ташрифлардан сўнг хориж ишбилармонларнинг республикамиздаги корхоналар билан алоқа ўрнатишга қизиқиши кучайди. Жумладан, Германия банклари бизнинг тармоқ корхоналарига сармоя ажратишни маъқул топишди. Бу сармояларни биз Наманганда барпо этилаётган тикув-трикотаж ва Андижондаги ип газлама фабрикаларини қуришга сарфлаймиз. Айни пайтда Франциянинг «Текнип», Венгриянинг «Торсвик» фирмалари бизга Тўйтепа ва Бўкада янги ип газлама корхоналари барпо этишга, Европа қайта таъмирлаш ва ривожланиш банки эса тўқимачилик корхоналарини замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларига сармоя ажратишни мўлжаллаб турибди. Фарғонадаги йигирув-тўқув фабрикасини эса Япония ҳукумати ажратган кредит эвазига техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни кўзда тутяпмиз.

Сармоя сарфлашнинг асосий йўналиши республикадаги хом ашёдан самарали фойдаланишга, четдан келтириладиган хом ашё ва материаллар ҳажмини камайтиришга қаратилмоқда. Жумладан, пахта толасини қайта ишлаш, ип калаваси тайёрлашга мослаштирилган ихчам корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Уларни хорижий ускуналар билан жиҳозлаб, тезда ишга туширмоқдамиз. Ҳозир 26 та шундай фабрика ишлаб турибди. Уларда йилига 85—90 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Бу йўналишни бундан кейин ҳам давом эттирамиз. Ушбу мақсадда тармоқ мутахассислари 2000 йилгача енгил саноатни ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастурини ишлаб чиқишган. Шунга кўра яқин йиллар ичида 45 та янги корхона ишга туширилади, амалда фаолият кўрсатаётган 32 та корхона техник жиҳатдан қайта жиҳозланиб, таъмирланади. Бу эса пахта толасини қайта ишлашни икки баравар кўпайтириш имконини беради. Натижада енгил саноат экспорт потенциалининг йиллик миқдори қарийб 400—410 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Айни пайтда четдан ва МДҲ давлатларидан келтирилаётган маҳсулотларнинг катта қисмини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шу йилнинг ўзидаёқ бахмал ва помбархит газламалари, харидорбоп пойабзал буюмлари — жаҳон бозорида рақобатбардош бўладиган буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Албатта, бу оғир ва айни пайтда масъулиятли вазифа. Буни, ўйлайманки, енгил саноат ходимлари шараф билан уддалайдилар.

**А. БОЛИЕВ ёзиб олди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## «ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚИЙМАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки:

бир ҳафта муддатда Миллий депозитарий тўғрисидаги Низомни тасдиқласинлар;

фонд бозорини ва хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш учун ахборот базасини олдиндан шакллантириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ (4.1-банд) республика депозитар тармоқларининг моддий-техника базасини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига маблағ билан таъминласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Миллий депозитарий ва «Тошкент» республика фонд биржаси брокерлик идораларининг филиалларини ташкил этиш ва жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатсинлар;

Фан ва техника давлат қўмитаси билан биргаликда депозитар технология ва фонд бозорининг инфраструктурасини ривожлантириш мавзуи бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишлари учун грантлар бўйича маблағ билан таъминлаш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки:

бир ой муддатда «Миллий депозитарий» орқали нақд пулга ва нақд пулсиз қимматли қоғозлар чиқариш, уларни рўйхатга олиш ва уларнинг муомаласини ҳисобга олиш қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

уч ой муддатда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар эмиссиясининг электрон технологиялар қўлланган ҳолда ва эмитентлар ва акционерларнинг тегишли компьютер банклари ташкил этилган ҳолда Миллий депозитарийда мажбурий жойлаштирилишини жорий этсинлар;

бир ой муддатда умумий қоидаларни, ҳар йилги квоталарни, ҳам Ўзбекистон Республикаси тасарруфида, ҳам унинг ташқарисида бўлган эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни муомалага чиқаришга рухсат бериш тартибини белгилаш юзасидан таклиф киритсинлар;

икки ҳафта муддатда Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрловчи Миллий марказни ҳамда Фонд бозорининг давлат ахборот-телекоммуникация тизимини ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши тўғрисида таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва муассасалар билан биргаликда:

давлат корхоналари ва ташкилотлари базасида таъсис этиладиган акционерлик жамиятлари акциялари эркин сотиш учун «Тошкент» республика фонд биржасига қўйилишини таъминласин;

«Тошкент» республика фонд биржасининг моддий-техника базасини ривожлантириш, компьютерлаштириш мақсадида унинг устав фондини 2000 млн. сўм-купонгача кўпайтириш имкониятини кўриб чиқсин;

биржалар ва фонд бозорининг бошқа ташкилотлари ишларининг ташкил этилишини оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб берсин.

7. «Тошкент» республика фонд биржасининг ва Миллий депозитарийнинг даромадларига солинадиган солиқлар ставкаси 18 фоиз миқдорида белгиласин.

8. «Тошкент» республика фонд биржаси ва «Миллий депозитарий» акционерлик жамияти Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уйга жойлаштирилсин. Бунда ижара ҳақи Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан турар жой бўлмаган бинолар учун тавсия этилган миқдорларда белгиласин.

9. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси (Шаронов) «Тошкент» республика фонд биржаси ва «Миллий депозитарий» акционерлик жамиятининг ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида уларнинг буюртманомаларига кўра зарур инвентарь ва асбоб-ускуналар ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги «Тошкент» республика фонд биржаси ва «Миллий депозитарий»нинг буюртманомаларига кўра уларни зарур, шу жумладан, ихтисослаштирилган алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари В. А. Чжен, Б. С. Ҳамидовлар зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1994 йил 8 июнь.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

# ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ХУСУСИЙ АВТОЁНИЛҒИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

1. Хусусийлаштирилган хусусий автоёнилғи қуйиш шохобчалари (кейинги ўринларда АЕҚШ деб аталади) хусусий машина эгаларининг автомобилларини ва бошқа транспорт воситаларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш корхонаси ҳисобланади. Бу ерда автомобиль ёнилғиси ва мойлаш материаллари фақат нақд пулга сотилади.

АЕҚШда қуюқ ва суюқ (консистент) мойлар, автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар ва жиҳозлар сотиш, хусусий транспорт эгаларидан ишлатилган мойлар ва нефть маҳсулотларидан бўшаган қичик ҳажмдаги идишларни қабул қилиш, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва автомобилларни ювиш ишлари ташкил этилиши мумкин.

2. Хусусийлаштирилган автоёнилғи қуйиш шохобчаларида тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича, бошқа хорижий давлатлардан нақд пулга, нақд пулсиз сотиб олиш ва бартер битимлари тузиш ҳисобига келтирилган нефть маҳсулотлари сотилади.

Тўғридан-тўғри олинган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва сақлаш учун АЕҚШ эгалари томонидан «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмасининг махсус ажратилган нефть базаси ижарага олинади.

3. Нефть маҳсулотларини АЕҚШга келтириш АЕҚШ эгаларининг ўз машиналари ёки бошқа идораларнинг хавфсизлик шартларига мувофиқ келадиган транспорт воситалари билан шартнома асосида амалга оширилади.

4. АЕҚШни ўлчов воситалари билан жиҳозлаш, техник хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш тартиби, уларни сақлаш ва эҳтиётлаш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти амалдаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

АЕҚШ тегишли витриналар, рекламалар, кўргазмали тарғибот воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак. АЕҚШнинг бетонланган ва асфальтланган ҳудуди ҳамда автомагистраллардан кириш йўлларида ҳеч қандай камчиликлар бўлмаслиги лозим. АЕҚШ майдончалари текис бўлиши, колонналарга ва қуйиш қурилмаларига автомашиналарнинг эркин кириб келишини таъминлаши керак. АЕҚШ бинолари, иншоотлари, майдонлари, шунингдек, уларга ёндош жойлар санитария-маиший, эстетик, ёнғинга қарши ва экология талабларига жавоб бериши зарур.

АЕҚШда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, автоёнилғи қуйиш техникаси тегишли нормаларга жавоб бериши, атроф-муҳитни ифлослантирмаслиги керак.

5. АЕҚШ атрофи кунининг қоронғи вақтларида амалдаги нормаларга мувофиқ ёритилган бўлиши керак. Ёнилғи ва нефть маҳсулотлари қуйиш жойларининг ёритилишига алоҳида эътибор берилиши зарур.

6. АЕҚШ телефон ва радио алоқаси ҳамда қўриқлаш сигнализациялари билан жиҳозланиши шартдир.

7. АЕҚШ орқали сотиладиган нефть маҳсулотларининг сифати белгиланган давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб беришн керак.

8. Ҳар бир АЕҚШда нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва ўлчовларнинг ишончлилигини ҳамда бир хиллигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифатини назорат қилиш учун зарур асбоб-ускуналар ва ўлчов воситалари бўлиши лозим. Улар «Ўздавстандарт» маркази томонидан қўллашга рухсат этилган ва давлат Метрология хизматининг тамғасига ёки текширилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлишлари керак.

9. АЕҚШда мажбурий тартибда белгиланган намунадаги касса аппаратлари ўрнатилади.

10. Ҳар бир АЕҚШда тегишли ҳужжатлар бўлиши керак.

11. АЕҚШ ходимлари «Ўзбекнефтгаз» корпорациясининг корхоналари билан тузилган шартномаларга мувофиқ тайёргарликдан, қайта тайёргарликдан ўтишлари, малакаларини оширишлари, техника ва ёнғин хавфсизлигига оид билимларини текширувдан ўтказишлари керак, «Ўзбекнефтгаз» корпорациясининг тегишли гувоҳномаси бўлганда уларга ишлаш учун рухсат этилади.

Кўрсатиб ўтилган талабларни бажармаганлик учун АЕҚШ эгалари ва ходимлари мазкур фаолият билан шуғулланишларини тақиқлашгача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

12. Лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган АЕҚШларни хусусийлаштиришда уларнинг эгалари барча ишларнинг «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ишлаб чиққан лойиҳаларга мувофиқ тўла ҳажмда бажарилишини таъминлашлари лозим.

13. АЕҚШ эгалари Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ солиш ва нарх белгилаш масалаларига оид қоидалар талабларига қатъий риоя қилишлари керак.

# РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Эркин **Юсупов** — ЎзФА академиги

Хуршид **Давронов** (Хуршид **Даврон**) — ёзувчи, тарихшунос

Абдулҳафиз **Жалолов** — фалсафа фанлари доктори, Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби

Хайрулла **Жўраев** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

Муҳаммаджон **Қорабоев** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Абдуғани **Абдуллаев** — Диний ишлар қўмитаси раиси

Исматулла **Абдуллаев** — Наманган давлат университети кафедра мудири, профессор

Мухтор **Абдуллаев** — Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раиси

Ҳотам **Абдураимов** — Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани ҳокими

Сафар **Абдухолиқов** — фалсафа фанлари номзоди, ТошДУ фалсафа факультети маданият назарияси тарихи кафедраси ўқитувчиси

Ориф **Алимахсумов** — Ўзбекистон халқ артисти, маҳалла оқсоқоли

Зокир **Алматов** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири

Эркин **Аъзамов** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Бўрибой **Аҳмедов** — ЎзФА мухбир аъзоси, ЎзФА Шарқшунослик институти илмий ходими

Рустам **Аҳмедов** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири

Ҳалим **Бобоев** — юридик фанлари доктори, Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири

Барот **Бойқобилов** — «Мулоқот» журнали бош муҳаррири

Эркин **Воҳидов** — Ўзбекистон халқ шоири

Дадахон **Ёқубов** — «Наврўз» жамғармаси раиси

Одил **Ёқубов** — Атамашунослик қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Баҳодир **Жалолов** — Ўзбекистон халқ рассоми

Сергей Иванович **Зинин** — филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўмитаси раисининг ўринбосари

Фозилжон **Исмонлов** — фалсафа фанлари доктори, Тошкент ДПИ профессори

Баҳодир **Йўлдошев** — Ўзбекистон халқ артисти, Абдулла Ҳидоятов номидаги драма театри бадиий раҳбари

Жўра **Йўлдошев** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Жамол **Камол** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби

Шавкат **Каримов** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

Нажмиддин **Комилов** — филология фанлари доктори, Тошкент Давлат шарқшунослик институти кафедра мудири

Абдусаид **Кўчимов** — Ўздавтелерадиокомпания раиси ўринбосари

Алишер **Мардиев** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Жондорбек **Мелибеков** — Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-текшириш лойиҳалаш институти бош архитектори

Алишер **Мирзаев** — Ўзбекистон халқ рассоми

Улуғбек **Мусаев** — бастакор, Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси раиси

Мукаррама **Муродова** — шоира

Нуриддин **Муҳиддинов** — Ўзбекистон «Едгорлик» жамияти раиси

Гулчеҳра **Нуруллаева** — шоира

Абдулла **Орипов** — Ўзбекистон халқ шоири

Лев **Пак** — «Народное слово» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Галина **Пугаченкова** — ЎзФА академиги

Карим **Расулев** — республика Байналмилал маданият маркази директори

Бектош **Раҳимов** — Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси

Равшан **Раҳмонов** — фалсафа фанлари доктори, Навоий давлат педагогика институти ректори

Фарҳод **Рўзиев** — Ўздавтелерадиокомпания раиси ўринбосари

Садир **Салимов** — иқтисод фанлари доктори

Оқил **Салимов** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Садриддин **Салимов** — ёзувчи, Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Турсунбой **Салимов** — тарих фанлари номзоди, Тошкент давлат университети этнография кафедраси мудири.

Турсуной **Содиқова** — шоира, Андижон вилояти Хотин-қизлар қўмитаси раиси

Йўлдош **Сулаймонов** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Фарғона вилояти

Фозила **Сулаймонова** — филология фанлари доктори, ЎзФА Қўлёзмалар институти илмий ходими

Ҳайриддин **Султонов** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати масъул ходими

Азим **Суюн** — «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири

Шукур **Темиров** — «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси

Алишер **Тешабоев** — Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби

Жондор **Туленов** — ЎзФА мухбир аъзоси, Тошкент ДПИ кафедра мудири

Тоштемир **Турдиев** — Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳокими ўринбосари, филология фанлари номзоди

Шомақсуд **Тўлаганов** — меҳнат фахрийси

Азиз **Тўраев** — Тошкент Маданият институти ректори

Худойберди **Тўхтабоев** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Абдураим **Умаров** — «Усто» бирлашмаси бошлиғи

Ориф **Усмонов** (Ориф **Усмон**) — филология фанлари доктори, ЎзФА Шарқшунослик институти илмий ходими

Шариф **Холмуродов** — журналист, «Ҳаёт ва қонун» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари

Хатима **Шайхова** — фалсафа фанлари доктори, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори

Шохалил **Шоёқубов** — «Мусаввир» фирмаси директори

Рустам **Шоғуломов** — Давлат матбуот қўмитаси раиси

**Шукрулло** — Ўзбекистон халқ шоири

Умрзоқ **Ўлжабоев** — филология фанлари номзоди, Сирдарё ДПИ ўқитувчиси

Шавкат **Ўразаев** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи

Тўлапберген **Қаипбергенов** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси котиби

Азиз **Қаюмов** — филология фанлари доктори, ЎзФА Қўлёзмалар институти директори

Усмон **Қорабоев** — фалсафа фанлари доктори, Тошкент Маданият институти кафедра мудири

Бернора **Қориева** — А. Навоий номидаги опера ва балет театри директори, халқ артисти

Бегали **Қосимов** — ТошДУ филология факультети декани, филология фанлари доктори

Дўнан **Ғаниев** — фалсафа фанлари номзоди, ТошДУ Ўзбек миллий қадриятлари илмий-тадқиқот маркази ходими

Иброҳим **Ғафуров** — филология фанлари номзоди, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Дилбар **Ғуломова** — Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Аброр **Ҳайдаров** — ТошДУ фалсафа факультети социология кафедраси мудири

Эркин **Ҳайитбоев** — Маданият ишлари вазири

## РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИ

Эркин **Юсупов** — ЎзФА академиги

Хуршид **Давронов** — ёзувчи, тарихшунос

Абдулҳафиз **Жалолов** — фалсафа фанлари доктори, Халқ демократик партияси МК иккинчи котиби

Сафар **Абдухолиқов** — фалсафа фанлари номзоди, ТошДУ маданият назарияси тарихи кафедраси ўқитувчиси

Ҳалим **Бобоев** — юридик фанлари доктори, Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири

Нажмиддин **Комилов** — филология фанлари доктори, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти кафедра мудири

Абдулла **Орипов** — Ўзбекистон халқ шоири

Усмон **Қорабоев** — фалсафа фанлари доктори, Тошкент Маданият институти кафедра мудири

Алишер **Тешабоев** — Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби

Фозила **Сулаймонова** — филология фанлари доктори, ЎзФА Қўлёзмалар институти илмий ходими

Ҳайриддин **Султонов** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати масъул ходими

Азиз **Каюмов** — филология фанлари доктори, ТошДУ Ўзбек миллий қадриятлари илмий-тадқиқот маркази директори

Иброҳим **Ғафуров** — филология фанлари номзоди, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Аброр **Ҳайдаров** — ТошДУ фалсафа факультети социология кафедраси мудири.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

**Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида**

### НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу Низом «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги ПФ-745-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги ПФ-789-сон Фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акцияларни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартибини бошқаради.

### II. АКЦИЯЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1. Давлат корхонасини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган акционерлик жамиятини таъсис қилишда акциялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ва унинг жойлардаги органларида (бундан кейин рўйхатдан ўтказиш органлари деб аталади) давлат рўйхатидан ўтказилади.

2. Акцияларни рўйхатга олишни қуйидагилар амалга оширадилар:

умумий суммаси 500 миллион сўм-купонгача бўлган акцияларни чиқаришда — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари;

умумий суммаси 500 млн. сўм-купондан ортиқ бўлган акцияларни чиқаришда — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

3. Акцияларни рўйхатдан ўтказиш учун акционерлик жамиятлари рўйхатдан ўтказувчи органларга қуйидаги ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим этадилар:

қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш учун эмитентнинг аризаси;

эмитент уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

(Давоми учинчи бетда).

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

чиқариладиган акцияларнинг 2 нусха намуналари;

эмиссиянинг 2 нусха проспекти.

4. Рўйхатдан ўтказиш органларида акцияларни рўйхатдан ўтказиш муддати белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 20 кундан ошмаслиги керак.

5. Акцияларни рўйхатдан ўтказганлик тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда эмитентга давлат рўйхатидан ўтказилганлик санаси ва коди кўрсатилган, акцияларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, шунингдек, ип ўтказиб боғлаб қўйилган ва рўйхатдан ўтказилган органнинг муҳри босилган, «РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН» деган штамп қўйилган бир нусха эмиссия проспекти берилади.

6. Акцияларни рўйхатдан ўтказишни рад этишга тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги ва улардаги маълумотларнинг номувофиқлиги сабаб бўлиши мумкин. Акцияларни чиқаришни рўйхатдан ўтказишни рад этишга бошқа асосларнинг сабаб бўлишига йўл қўйилмайди.

## III. АКЦИЯЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

7. Давлат корхонасини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акционерлик жамиятини таъсис этишда акцияларни муомалага чиқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) иловада назарда тутилган асослар ва маълумотлар рўйхатига мувофиқ эмиссия проспектини тайёрлаш ва тасдиқлаш;

б) ушбу Низомнинг II бўлими талабларига мувофиқ акцияларни рўйхатдан ўтказиш;

в) оммавий ахборот воситаларида эмиссия проспектини ва акцияларга ёзилиш ҳақидаги хабарни эълон қилиш;

г) эмиссия проспектига мувофиқ акцияларни меҳнат жамоаси, вакил қилинган давлат органи аъзолари ва инвесторлар ўртасида тарқатиш.

## IV. АКЦИЯЛАРНИ ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ

8. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ акционерлик жамияти акцияларини тарқатиш ва уларни муомалага чиқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) бепул бериладиган акцияларни бунга ҳуқуқи бўлган ходимлар ва шахслар ўртасида тарқатиш тўғрисидаги қарор, берилган имтиёзларга мувофиқ, меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан, акционерлик жамияти рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўн беш кун мобайнида қабул қилинади;

б) қисман пул тўланадиган акцияларни бунга ҳуқуқи бўлган ходимлар ва шахслар ўртасида тарқатиш тўғрисидаги қарор меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан, акционерлик жамияти рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўн беш кун мобайнида қабул қилинади;

в) акцияларни чекланмаган сонли инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ўртасида очиқ сотиш биржа ва биржадан ташқари бозорларда амалга оширилади.

9. Акция қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак:

акционерлик жамиятининг фирма номи ва унинг жойлашган манзили;

қийматли қоғознинг номи — «акция»;

акциянинг тартиб рақами, серияси, чиқарилган санаси;

акциянинг тури (оддий ёки имтиёзли);

акциянинг белгиланган қиймати;

эгасининг исми (номли акциялар учун);

акционерлик жамиятининг акциялар чиқарилган кундаги устав фонди миқдори;

чиқарилган акциялар миқдори;

дивидендларни тўлаш муддати;

акционерлик жамияти бошқаруви раисининг ва бош бухгалтерининг имзолари;

акциянинг санаси ва рўйхатдан ўтказган орган томонидан берилган коди.

## V. ЭМИТЕНТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

10. Эмитентнинг ҳуқуқи.

Эмитент рўйхатдан ўтказган органнинг ёки акцияларни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқаришга дахлдор бўлган бошқа органнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

11. Эмитентнинг мажбуриятлари.

Эмитент қуйидагиларга мажбурдир:

а) рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу Низомнинг II бўлими 3-бандида назарда тутилган рўйхатга мувофиқ ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш;

б) акционерлик жамияти уставига мувофиқ бюджет ва акционерлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

в) қийматли қоғозлар рўйхатдан ўтказилгандан кейин эмиссия проспектини эълон қилиш;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ушбу Низомнинг VII бўлимида белгиланган тартибда ҳисобга олиш ва ҳисобот беришни амалга ошириш;

д) акцияларни чиқариш ушбу Низомнинг VI бўлими 14-бандининг 1 ва 2-кичик бандларига мувофиқ тўхтатиб қўйилганда бунга сабаб бўлган қоида бузишларни бартараф этиш, шундан сўнг рўйхатдан ўтказувчи органнинг махсус ёзма рухсатномаси бўйича акция чиқаришни давом эттириш мумкин.

12. Акцияларни чиқариш давлат рўйхатидан ўтказилгунгача акцияларнинг реклама қилинишига ва тарқатилишига йўл қўйилмайди.

13. Акциялар эмитентлари мажбуриятлари бўйича эмитентларнинг ўзлари жавоб берадилар.

## VI. РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАННИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

14. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳуқуқлари:

1) Рўйхатдан ўтказувчи орган акцияларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларга II бўлимнинг 4-бандида белгиланган уларни кўриб чиқиш муддати мобайнида ўзгартиришлар киритишни талаб қилишга ҳақлидир.

2) Акциялар амалдаги қонунчиликка хилоф равишда чиқарилган, шунингдек, акциялар чиқаришнинг ушбу Низомда белгиланган тартиби бузилган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган эмиссияни ва акцияларни муомалага чиқаришни тўхтатиб қўйиши ёки чеклаши мумкин.

3) Рўйхатдан ўтказувчи орган акциялар эмиссиясига берилган рухсатни қуйидаги асосларга биноан тўхтатиб қўйиши ёки бекор қилиши мумкин:

а) рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан мустақил равишда, шунингдек, учинчи шахслардан олинган ва текширувда тасдиқланган ахборот рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг нотўғрилигини кўрсатган тақдирда;

б) рўйхатдан ўтказувчи органларнинг қийматли қоғозлар чиқаришни амалга ошириш жараёнида амалдаги қонунчилик бузилишларини бартараф этиш бўйича талабларини ҳамда мазкур Низом талабларини бажаришни рад этиш.

4). Рўйхатдан ўтказувчи орган қонунчилик, шунингдек, унинг томонидан берилган рухсатомаларда белгиланган шартлар бузилган тақдирда эмитентлар фаолиятини тўхтатиш тўғрисида суд органларига тақдимнома киритиш мумкин.

15. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг мажбуриятлари.

Рўйхатдан ўтказувчи орган:

а) инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида рўйхатдан ўтказишга тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлигини, объективлигини ва мувофиқлигини текширишни амалга оширади;

б) тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмуни ва расмийлаштирилиши бўйича эътирозлар бўлганда, аниқ камчиликлар ва ноаниқликларни ёзма шаклда кўрсатган ҳолда, ҳужжатларни пухталаштиришга юборади;

в) акциялар давлат рўйхатидан ўтказилгунгача уларнинг чиқарилишини реклама қилишга йўл қўймаслик мақсадида оммавий ахборот воситаларидаги материалларни назорат қилиб боришни амалга оширади;

г) эмитентга акционерлар эмиссияси бўйича рухсат бериш тўхтатиб турилганда ва рухсат бекор қилинганда оммавий ахборот воситалари орқали бу ҳақда инвесторларни хабардор қилади ҳамда эмитент фаолиятини тўхтатиш ва инвесторларга етказилган зарарни ундириш тўғрисида суд органларига тақдимнома киритади.

16. Рўйхатдан ўтказувчи орган мансабдор шахсларининг жавобгарлиги.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг мансабдор шахслари қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидагилар учун жавоб берадилар:

рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилмаганлиги учун;

қийматли қоғозлар ва мазкур Низом юзасидан эмитент томонидан амалдаги қонунчилик бузилганда акционерларнинг шикояти ва норозилиги ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ва улар бўйича чоралар кўрилмаганлиги учун.

## VII. ҲИСОБГА ОЛИШ, ҲИСОБОТ БЕРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

17. Ҳисобга олиш тартиби.

Акционерлик жамиятлари чиқарган акциялар рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан белгиланган шаклдаги махсус реестрларда ҳисобга олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси қийматли қоғозлар Ягона давлат реестрини юритишни амалга оширади. Акцияларни рўйхатдан ўтказиш реестрлари нусхалари ҳар ярим йилда бир марта, Ўзбекистон Республикаси қийматли қоғозлар Ягона давлат реестрига киритиш учун, рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан 1 февраль ва 1 августдан кечиқмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасида қийматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда бир марта вақтли матбуотда эълон қилади.

18. Ҳисобот бериш тартиби.

Эмитент йилнинг ҳар чорагида чорак бўйича ҳисобот таркибида акциялар чиқариш якунлари тўғрисида ҳисобот тузади ва уни рўйхатдан ўтказувчи ҳамда хусусийлаштиришни амалга оширувчи органларга тақдим этади.

Эмитент акциялар эмиссияси йиллик якунларини навбатдаги йиллик ҳисобот билан бирга вақтли матбуотда эълон қилади.

19. Назорат қилиш тартиби.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, қийматли қоғозларнинг муомалада бўлиши ва мазкур Низом тўғрисида амалдаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида, рўйхатдан ўтказилган акциялар эмиссиясининг қандай бораётганини назорат қилиб боришни таъминлашга мажбурдирлар.

**Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги Низомга**

## ИЛОВА

## ЭМИССИЯНИНГ НАМУНАВИЙ ПРОСПЕКТИ

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### I. ЭМИТЕНТ РЕКВИЗИТЛАРИ

1. Тўлиқ ва қисқартирилган номи:

_____

2. Юридик манзили (бўлинманинг жойлашган ўрни):

_____

3. Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган тартиб рақами ва санаси:

_____

4. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

_____

5. Таркибига эмитент кирадиган бирлашма (уюшма, концерн, корпорация ва шу кабилар)нинг тўлиқ номи ва юридик манзили:

_____

6. Эмитент (бўлинма)нинг ҳисоб-китоб (жорий) ва бошқа счётлари, банкларнинг хизмат кўрсатувчи муассасалари номи ва реквизитлари:

_____

### II. АКЦИЯЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ

1. Бошланғич маълумотлар:

а) Устав фонди минг сўм-купон;

б) Акциялар сони та;

в) Битта акциянинг номинал қиймати сўм-купон (барча акциялар бир хил номинал қийматга эга бўлади).

2. Имтиёзли акциялар:

а) Акциялар улуши фоиз

б) Акциялар суммаси минг сўм-купон

в) Акциялар сони та.

3. Ёпиқ ёзилиш орқали акцияларнинг номинал қиймати бўйича сотиб олинган оддий акциялар:

а) Акциялар улуши фоиз

б) Акциялар суммаси минг сўм-купон

в) Акциялар сони та.

4. Эгаси Давлат мулки қўмитаси бўлган оддий акциялар:

а) Акциялар улуши фоиз

б) Акциялар суммаси минг сўм-купон

в) Акциялар сони та.

5. Акцияларни чиқариш шакли:

_____

(счётлардаги ёзувлар тарзида, ёзувлари марказлаштирилган депозитарда сақланадиган, акцияларнинг махсус бланклари тарзида)

6. Акцияларни тарқатиш ва сотиш тартиби, миқдорлари, (сотиб олиш) муддатлари:

| Меҳнат жамоалари аъзоларига бериладиган имтиёзларнинг турли вариантларида акцияларни сотиш усуллари | Муддатлари | | Акцияларнинг умумий қиймати | |
|---|---|---|---|---|
| | сотишнинг бошланиши | сотишнинг тугаши | сумма, минг сўм-купон | улуш, акциялар умумий сонидан % ларда |
| 1.1. Акциялар—жами | X | X | ... | ... |
| 1.2. Давлатда сақланадиган акциялар | ... | ... | ... | ... |
| 1.3. Имтиёзли акцияларни тарқатиш | ... | ... | ... | ... |
| 1.4. Меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида ёпиқ ёзилиш бўйича оддий акцияларни тарқатиш | ... | ... | ... | ... |
| 1.5. Шартномалар тузиш йўли билан акцияларни хорижий инвесторларга ва инвестиция фондларига тарқатиш | ... | ... | ... | ... |
| 1.6. Эркин сотиладиган акциялар — жами (1.1.- 1.2.- 1.3.- 1.4.- 1.5.-моддалар) | X | X | ... | ... |
| ... | ... | ... | ... | ... |
| ... | ... | ... | ... | ... |
| ... | ... | ...

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## Душанба, 13. VI

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Қизил Ярим ой шуъласи». 18.35 «Ёшлик» студияси. «Кимга қанақа?». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Мусиқий оҳанглар». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллигига. «Юрт ҳақида қўшиқ». 22.10 «Театр учрашувлари». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театридан ёзиб олинган. 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Билиб қўйган яхши». 20.10 «Деҳқон ҳиммати». 20.40 Бевосита мулоқот. Нафақа тўлашдаги янги қоидалар хусусида. 21.40 «Генерал Собир Раҳимов». Бадиий филвм.

● ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* * *

18.00 — 19.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Душанба куни детектив. «Спрут — 5». Бадиий фильм. 5-серия. 21.15 «Ўшанда ҳам мен куламан...». Е. Шифрин. Концерт дастури. 22.20—22.25 Спорт кўрсатуви.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Хавфли учиш». Бадиий фильм.

● ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 «КВН-94». 1/4 финал. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Бомонд». 20.45 «Киноятчиликка қарши курашувчилар». Бадиий фильм (Италия). 22.50 — 23.05 «Спорт уик-энди».

## Сешанба, 14. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

* * *

8.30 Болалар учун фильм. «Метичара — денгиз жонивори». 9.55 «Шермат Файзуллаев қуйлайди». Фильм-концерт. 10.25 Ўқув кўрсатуви. Химия. 10.55 «Шоҳ Султон ҳақида эртак». Мультфильм. 11.50 Ўзбек тилини ўрганамиз. 12.20 «Номаълум Бухоро» Телефильм. 12.40 Ўқув кўрсатуви. География.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Яшил бойлигимиз». 18.45 «Санъат маскани». Телефильм. 18.55 «Фан уфқлари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Соз ва созанда». Мирзашариф Мирбаратов. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ҳуқуқий жамият сари». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Европа сафари таассуротлари». Муножот Йўлчиева. 22.30 «Севги қудрати». Бадиий фильм. 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Мультфейерверк». 20.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 21.00 Видео янгиликлари. 21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 22.00 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 9.40 Эълонлар. 9.45 Видео — «О». 11.15 Эълонлар. 11.25 «Курьер». 11.40 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.00 Эълонлар. 12.10 «Юлдузлар жилоси». 12.30 «Даракчи». 12.40 Эълонлар. 12.50 Видео — «О».

18.00 — 19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 330-серия. 20.45 «Ҳақиқат онлари».

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.40 «Марҳумлар ёш қоладилар». Бадиий фильм.

● ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

* * *

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика). 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Илк манбадан». 20.40 «Химоясиз». Бадиий фильм (Франция). 22.20—23.05 1994 йил қўшиқлари.

## Чоршанба, 15. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

* * *

8.30 Болалар учун фильм. «Олтин калитча». 9.45 Ўқув кўрсатуви. Математика. 10.15 «Куйла, дуторим». Фильм-концерт. 10.40 «Уорлдент» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.55 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек тили ва адабиёти. 11.25 «Иқтисодий ислоҳотлар: дастлабки натижалар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 18.35 «ЭКОСАН. Ҳаёт билан ҳамнафас». 19.05 «02» тўлқинида. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Шифокор маслаҳати. 20.05 Кинолавҳа. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Бир асар тарихи. Барот Бойқобилов. «Навоийнома». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллигига. «Гулла, яшна, мустақил диёр». Экранда — Фарғона вилояти. 22.30 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 23.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Спринт» 20.15 «Ҳуқуқ посбонлари». 20.45 «Шаҳар юмушлари». 21.45 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

● ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* * *

18.00 — 19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «Жаноблар-ўртоқлар». 20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 331-серия. 21.00 Фильмлар премьераси. 21.15 «Газета билан содир бўлган воқеалар». 22.10 Криминал хабарлар экрани. 22.20 Спорт кўрсатуви.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Олтин сур». Бадиий фильм.

● ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

* * *

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.50 Э. Радзинский ҳикоя қилади. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог». 20.40 — 23.15 «Жинлар». Бадиий фильм.

## Пайшанба, 16. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

* * *

8.30 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм. 9.35 «Асрлар оҳанги». Фильм-концерт. 10.05 Ўқув кўрсатуви. Биология. 10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.50 «Ёшлик» студияси. «Ёшлар ва замон». 11.40 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.10 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Уч қурбақа». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси. «Имконият излаб». 18.55 «Фаровонлик калити». Республика миқёсида кимошди савдоси натижалари ва муаммолари. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Унутилган ўйинлар». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Қўшиқ рақсга уланса». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Ўзбекистон ва жаҳон». 22.00 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм. 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Омад», тақвими. 20.00 «Жозиба». 20.20 «Бир шингил ҳангома». 20.30 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 20.55 Видео янгиликлари. 21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 22.05 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* * *

18.00 — 19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Спорт кўрсатуви. 20.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 332-серия. 20.50 Ватандошлар. «Хотиранинг тикланиши». 21.20 Криминал хабарлар экрани. 21.30 Хоккей. Стэнли кубоги.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Турнахон». Бадиий фильм.

● ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

* * *

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.50 «Гитлер — Сталин. Сирли уруш». Телефильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Вагон — 03». 20.40 «Кўнгилдагидек келин». Бадиий фильм. (Франция). 22.25 «Матбуот-экспресс». 22.35 — 23.00 «Сизга атаб қўшиқ куйлайман».

## Жума, 17. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

* * *

8.30 Болалар учун фильм. «Менинг отам капитан». 9.40 «Фароғат опа». Телефильм. 10.10 Ўқув кўрсатуви. Физика. 10.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.55 «Ишбилармон». Фарғона вилоятидан. 11.25 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Жасур чўпон бола». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Устозлар ёди». 18.50 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Ўзкинохроника». «Ўчмас йиллар хотираси». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар 21.30 Бевосита мулоқот. 22.25 «Тоғнинг гули ўзгача». Телефильм. 22.45 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.10 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. 00.05 Футбол. Жаҳон чемпионати.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Саломатлик — туман бойлик». 20.20 «Армуда». Телефильм. 20.30 «Тиғиз пайтда». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Тошкент оқшомлари». 22.25 «Ретро» концерти. Леонид Куравлёв. 23.20 «Яшин тутган суворий». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* * *

18.00 — 19.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Киномарафон. «Римда тун эди». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан «Ҳамма таниган номаълум шахс». Телевизион бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

● ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

* * *

18.00 «Ҳафтанинг акс садоси». 18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 30-серия. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 20.45 «Одесса киностудияси — 75 ёшда». Ретроспектив намойиш. «Вертикал». Бадиий фильм (1967 й.). 22.00 — 22.35 Янгиликлар.

## Шанба, 18. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

* * *

8.30 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм. 10.00 «Ёнғиндан сақланинг!». 10.30 Ёшлик» студияси. «Ҳуқуқ сабоқлари». 11,30 «Шеърий дақиқалар». Одил Абдурахмонов. 11.40 «Сирли сандиқ». Телеўйин. 12.40 «Наманган гуллари». 1-кўрсатув. 13.10 «Халқ ижодиёти». Андижон вилояти Бўз тумани бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ғаройиб ҳодиса». Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Қуёшни қулдирган қизалоқлар». 18.45 «Абдулла Қодирий ва миллий маданият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Салом, Ҳиндистон». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Санъат усталарининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Қўшиқ ва шеърият кечаси». Ғиёс Бойтоев ва Муҳаммад Юсуф. 22.30 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури. 00.55 Футбол. Жаҳон чемпионати.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Болалар учун. «Табассум». 20.30 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Ўчмас йиллар хотираси». Кинопрограмма. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Танго оҳангида». 21.55 «Граф Монте Кристо». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* * *

12.10 — 16.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

12.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.25 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда». 13.05 «Бизнен мирас» (татар тилида). 13.45 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.00 «Маҳалланг тинч, сен тинч». 14.15 «Умид» (уйғур тилида). 14.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.10 «Қалбим қўри». Композитор ва хонанда В. Михайлов. 15.45 «Бу ажиб дунё».

* * *

18.00 — 19.20 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Телеэкран премьераси. «Таваккал Б». Бадиий фильм. 20.45 «Мутлақо махфий». 21.35 «Қуликов майдони». Мусиқий кўрсатув. 22.20 Спорт кўрсатуви.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Ҳамма таниган номаълум шахс». Телевизион бадиий фильм. 3—4 серия.

● ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Рукн премьераси» туркумидан кўрсатув. 18.40 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Комиссар». Телесериал. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. АҚШ — Швейцария терма командалари. АҚШдан олиб кўрсатилади. 22.25 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловда. 22.45 — 22.55 «Матбуот-экспресс».

## Якшанба, 19. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

* * *

8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 71 — 72-сериялар. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Шоҳруҳ клуби». 11.00 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 11.40 «Рақоса хиром этганда». Саодат Ҳайиталиева. 12.15 «Наманган гуллари». 2-кўрсатув. 13.00 «Цирк, цирк, цирк».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Сеҳрли сандиқ». «Қойилмақом Гоша». Мультфильмлар. 18.15 Ўсмирлар учун. «Гўзаллик гулшани». 18.45 «Сиҳат-саломатлик». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Саҳродаги қўриқхона». Телефильм. 20.15 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон халқ артисти Соли Аҳмедов. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнаи жаҳонда...». 21.55 «Юрагимда ёнар муҳаббат». Юлдуз Абдуллаеванинг янги дастури. 22.30 Футбол. Жаҳон чемпионати.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради.

17.00 «Совға». 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.40 Эълонлар. 17.45 Видео — «О». 19.30 Эълонлар. 19.40 «Курьер». 19.55 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.15 Эълонлар. 20.20 «Рок ҳақида». 20.50 «Даракчи». 21.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 21.20 Эълонлар. 21.30 Видео — «О».

● ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* * *

12.45 — 16.35 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

12.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 13.05 «Сиёсий портретга чизгилар». Нельсон Мандела. 13.25 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси». 14.10 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.25 Сиз ёқтирган қўшиқлар. 14.55 «Сайёрадош — бир оиламиз». 15.25 «Фанлар оламида». 15.35 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.50 «Барча юлдузлар». Луи Армстронг. 16.20 «Бу ажиб дунё».

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.35 — 18.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.

18.15 — 19.45

* * *

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 «Санъат майдони». Владимир Ашкенази. 20.40 «Си-Би-Эс» кинотеатри. «Тунги сайр». Бадиий фильм. 22.20 «Ҳеч ким унутилмайди».

* * *

22.25 «Тунларни кузатиб». Бадиий фильм.

● ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 «Нима? Қаерда? Қачон?» 18.55 Премьера. Жан-Боль Бельмандо «Душманимнинг жасади» бадиий фильмида (КТВ-I ҳамда «Франс интернасионал» канали). 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.55 — 22.30 «Гол». ФИФАнинг футбол викторинаси. Финал.

# БИЗ «ДОВОН» ОШИБ КЕТАВЕРАМИЗ

20-йилларда ўзбек шеъриятида бўй кўрсатган ажойиб шоир, кейин эса адабиётимизда муносиб ўрин эгаллаган Набихўжа Чустий билан 1960 йилнинг январидан то 1967 йилнинг ўрталаригача бирга ишлаганман. Иш жойимиз Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти эди. Касбимиз тилшунослик бўлиб, иккимиз ҳам кўпроқ луғатчилик билан шуғулланардик.

Устоз Чустий тожик, форс, араб ва ўрис тилларини яхши биларди. Баҳри кенг, ҳазилкаш инсон эди. Ўша пайтлари ёшлари 65 лардан ўтиб қолган бўлса ҳам у киши фарзандлари тенги, ҳатто улардан ёш бўлган кишиларга ҳам ҳазил-мутоиба қилиб, кулдириб ўтирарди. Унинг руҳиятида бирон мартаям тушкунлик сезмаганмиз. Мийиғида кулиб қўйиш орқали уни қаҳқаҳага айлантириш одатлари бор эди.

Бир воқеа: 1965 йилнинг баҳори эди. Домла билан Тошкентнинг Гоголь кўчасида жойлашган институтнинг ҳовлисида Жўрабой ошпаздан икки коса ош олдик. Бир пайт ёнимизга биз билан бирга ишлайдиган дилкаш ва ҳазилга мойил Инфаниясхоним келиб ўтирди. Овқатланишдан олдин домлага ўзича ҳазил қилди: «Набихўжа ака, ҳалиги шеъринингизни айтиб беринг, зўр экан», деди. Устоз ҳам ўйлаб ўтирмадилар-да, ҳозиржавоблик билан: «Сизга ўша шеър ёқдими, яхши», дедилар ва «Ҳайдарали, ҳозилнамо бир байт ёзувдим, шуни сўраяптилар», деб катта ва товланиб турувчи кўзлари, буғдой ранг юзлари тўла кулги билан ёддан ўқий кетдилар. Эсимда қолгани: «Эшигини итарсам, юз ноз ила париваш кўкрак қимтиб қўлида сал кам яланғоч чиқди» қаторлари бор эди. Такрорий ўқилган бу сатрларни эшитган юпқа ва нафис кўйлакли Инфаниясхоним чор томонга тебраниб, юракдан қаҳ-қаҳа отганлари ҳамон эсимда...

Кунлардан бирида институтда умумий йиғилиш ўтказилди. Унда илмий ишларнинг савияси ва тайёрларини нашрга тавсия этиш, қолаверса, номзодлик ҳамда докторлик ишларини ҳимоя қилмасдан судралиб юрган кадрлар тўғрисида аччиқ гаплар бўлди.

● ЧУСТИЙНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Ичкарида илмий даражасисиз 20-30-йиллар адабиёти, айниқса, матншунослиқда маданиятимиз тарихини чуқур биладиган нуроний зотлар — Анисий, Чустий, Сафо Зуфарий каби уч-тўртта кичик илмий ходимлар ҳам ўтиришарди. Диссертация ёзмаган, эскича билим билан институтда ишлаб юрган кексаларга ва ландавур ёшларга қарата қочириқ гаплар бўлиб, бунда институт фирқа ташкилотининг котибларидан бири, аниқроғи, фольклор секторида фаолият кўрсатувчи фан номзоди бўлмиш йигит жон куйдириб гапираётиб, сўзининг сўнгида «Бизга араб ёзувида ёзадиган ва ўқийдиган диний олимларнинг кераги йўқ, бизга марксча-ленинча методология билан қуролланган, ҳозирги замон фани муаммоларини зўр тадқиқ қила оладиган, намзодлик ва докторлик ишларини ҳимоя қиладиган ходимлар керак. Илтимос қиламан, кенгаш бу ҳақда ўзининг аниқ фикрини айтсин»,— деди. Буям камлик қилгандай яна бир фан номзоди сўзга чиқиб, юқоридаги фикрни қувватлаб, ачиниш билан қўшиб қўйди: «Кейинги пайтда институтда саводсизлар, ялқовлар кўпайиб кетди. Ўзимизнинг ҳозирги — русча ёзувни билмайдиган, бир сўзда ўнта хато қиладиган, эскича ўқийдиган кишиларнинг бизга не кераги бор?».

Бу «илмий бақувват», «саводхон» олимларнинг безгак ҳуриш қиладиган чиқишларига кекса шарқшунос олим ва эски ёзувнинг зўр билимдони Солиҳ Муталлибов домла «саводсизлигимизнинг фожиавий томонлари ҳам эски ёзувни билмаганлигимизда, сал ўйлаб гапирайлик. Бу ерда ҳар бир сўзнинг маъзини чақадиган, унинг маъносини беш қўлдек биладиган Чустий, Анисийлар ўтиришибди. Бизга ана шундай фидойилар ҳам керак»,— деб жавоб қилганида, зал бу гапдан жонланган эди. Шунда Чустий домла ногирон ва бироз эгилган ўнг қўлларини ҳаволантириб қўл кўтариб сўзга чиқди. Мийиғида кулимсираб туриб, ўтирган жойларидан турган ҳолда дедилар: «Агар бу ҳурматли олимларга «эскилар» ёқмай қолган бўлса, «янгиси»ни топиб олишаверсин.

Кейинги «танқидчи»нинг тузган луғатларини Олим Усмон менга берган эди. Уни бошқатдан ёзяпман, «илм»ни «ўлим», «билик»ни «илик» деб талқин берилган, «Девон» сўзини «довон» деб изоҳ берибди. Нега бундай десам «довон»да шундай берилган, деди. Майли шундай кишилар ишлашсин, биз «довон» ошиб кетаверамиз», деганлари ҳамон кечагидек эсимда...

**Ҳайдарали УЗОҚОВ.**

● ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР

## ДИЙДОРЛАШУВ

**«Омонмисиз, бормисиз?!»— Жиззах туманидаги 17-ўрта мактабда учрашган 100 нафар турли касб соҳиблари бир-бирларига шундай деб муроожаат қилишди. Бу ерда йигирма йил муқаддам шу мактабдан етуклик аттестатини олиб, ҳаётга учирма бўлган синфдошлар учрашдилар. Орзиқиб кутилган бу дийдорлашувда қатнашган Руҳилла Юсупов, Маматқул Ҳақбердиев, Махфират Солиева, Холида Ашурова, Таисия Сивульская, Полина Крутских, Оқил Темиров, Карим Ҳасанбоев каби ҳозирда нафақада бўлган фахрий муаллимлар ёшаргандай бўлдилар.**

**— Қадриятларимиз қайта тикланаётган ҳозирги даврда, — дейди синфдошлар учрашувининг ташкилотчиси Норпўлат Гадоев,— шундай анжуман бир-биримизга меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. 20 йиллик меҳнат фаолиятимиз бўйича устозларга, қадрдон мактабимизга ҳисоб берган эканмиз, бундан буён янада яхши ишлашга ҳаракат қиламиз.**

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.**

● ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

## ДИЛОРОМЛАР РЎЁБГА ЧИҚҚУСИДИР

Аёллар ўртасидаги 52-чемпионатда қатнашган 14 иштирокчининг икки нафари ҳалқаро шахмат устаси, бири ФИДЕ устаси, яна бири миллий спорт устаси, қолганлари эса шу унвонга номзодлар эканлиги бўлажак кураш қизғин ва кескин бўлишидан дарак бериб турарди. 1974 йилги Тошкент халқаро аёллар турнирининг ғолиби, Ўзбекистоннинг биринчи спорт устаси Алла Мкртичян қаторасига дастлабки уч ўйинни ютиб, олдинга ўтиб олган бўлса-да, кейин ёшлардан бирин-кетин мағлуб бўла бошлади. Пешқадамлик бухоролик Ольга Ким билан тошкентлик Лидия Малиничевага ўтди.

Устма-уст эришилган ғалабалар тажрибали халқаро шахмат устаси бухоролик Ольга Ким учун яна бир бор чемпионлик шоҳсупасига кўтарилиш имконини берди. У 13 имкониятдан нақ 11 очко жамғариб, Республика аёллар чемпионати ғолиби бўлди. Бир ярим очко ортда қолган Лидия Малиничева иккинчи совриндор бўлди. 8,5 тадан очко тўплаган Надежда Репрун билан Ирина Горшковалар 3-мукофотга шерик бўлдилар.

Низомга кўра жаҳон Олимпиадасида қатнашувчи терма жамоамиз таркиби шу чемпионат якунига қараб тузилади. Афсуски, улар орасида бирорта ҳам ерли миллат вакиллари йўқ. Вилоятларимизда улар орасида иш олиб борилмаётганлиги, мусобақалар ўтказилмаётганлиги ва қолаверса, Республика аёллар чемпионатини ўтказиш тартиби талабга жавоб бера олмаётганлиги яққол сезилиб қолди. Бу нуқсонни тезроқ бартараф қилиш галдаги муҳим вазифалардандир. Дилоромларимизни рўёбга чиқариш пайти келди.

**Мамажон МУҲИТДИНОВ.**


ПОКИСТОН ДАВЛАТ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЮРОСИ

ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ

**СИЗЛАРНИ ПОКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

*Кўргазма 1994 йил 14-20 июнь кунлари Ўзэкспомарказда (собиқ ВДНХ) ўтказилади*

**Кўргазмада қуйидаги маҳсулотлар билан танишишингиз мумкин:**

Саноат моллари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлари, пахта, жун, текстиль, полиэстер газмоллари, тайёр кийимлар, пайпоқ маҳсулотлари, сочиқ, чармдан қилинган буюмлар, оёқ кийим, фармацевтика, спорт буюмлари, жаррохлик ускуналари, косметика, кимёвий озиқалари, тамаки ва сигареталар, гуруч озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғочдан ясалган уй жиҳозлари, халқ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари.

*Маълумот учун телефонлар: 771442, 771003, 778272*


**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тилшунослик ва Адабиёт институтлари ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоалари Тилшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Н. Маҳкамовга турмуш ўртоғи

**Зебохон АБДУЛЛАЕВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси Республика радиоси мусиқий эшиттиришлар катта муҳаррири Ибодулло Эшматовга отаси

**Акром ЭШМАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»**

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—21.50.
Г—939 85501 нусхада босилди.

Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.